

AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 03 | pp. 23-33 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

САНОАТ ТАРМОҒИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ



Касимов Азамат Абдукаримович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси (DSc)

Аннотация. Ушбу мақолада саноат тармоғининг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлари ва унга таъсир қилувчи омиллар батафсил ёритиб берилган. Мамлакат иқтисодиётида саноат тармоғининг роли, саноат тармоғи иқтисодий салоҳияти ва самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили амалга оширилган. Шунингдек саноат тармоғи иқтисодий самарадорлигини янада ошириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: саноат, саноат тармоғи, саноат маҳсулотлари, иқтисодий самарадорлик, иқтисодий салоҳият, иқтисодий ўсиш, саноат омиллари.

ПОКАЗАТЕЛИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОМЫШЛЕННОЙ СЕТИ И НАПРАВЛЕНИЯ ИХ ДАЛЬНЕЙШЕГО ПОВЫШЕНИЯ

Аннотация. В данной статье подробно описана роль промышленного сектора в экономическом развитии страны, природа и структура экономического потенциала и эффективности промышленного сектора, а также факторы, влияющие на экономическую эффективность промышленного сектора. Проанализирована динамика объема валового внутреннего продукта, темпы роста и доля промышленности в нем. Кроме того, разработаны предложения по повышению экономической эффективности промышленного сектора.

Калит сўзлар: промышленность, промышленная сеть, промышленная продукция, экономическая эффективность, экономический потенциал, экономический рост, промышленные факторы.

INDICATORS OF ECONOMIC EFFICIENCY OF THE INDUSTRY NETWORK AND DIRECTIONS FOR THEIR FURTHER INCREASE

Annotation. In this article, the indicators representing the economic efficiency of the industrial sector and the factors influencing it are explained in detail. The role of the industrial sector in the country's economy, the economic potential of the industrial sector

and the analysis of efficiency indicators have been carried out. Also, scientifically based proposals for further increasing the economic efficiency of the industrial sector have been developed.

Key words: industry, industrial network, industrial products, economic efficiency, economic potential, economic growth, industrial factors.

1. Кириш

Жаҳондаги глобаллашув шароитида юқори технологияли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ҳисобига экспортни кўпайтиришга эришиш ҳамда саноат тармоғи салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш, унинг ривожланишига таъсир қилувчи омилларни иқтисодий-статистик жиҳатдан баҳолаш, мезонларини такомиллаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, ва ўсиш тенденцияларини прогноزلаш ҳамда саноат тармоғи салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш назарий методологик усусларини такомиллаштириш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланишида ҳам саноат тармоқлари муҳим ўрин тутди. ЯИМда саноат маҳсулотларининг қўшилган қиймати 26,7 фоизни ва унинг қўшимча ўсишида энг юқори улуш 1,4 фоиз айнан саноат ҳиссасига тўғри келмоқда, саноатга қурилишни қўшган ҳолда эса ушбу кўрсаткичлар мос равишда 33,4 ва 2,7 фоизни ташкил этади [11]. Шу боисдан, мамлакатимизда кейинги йилларда саноат салоҳиятдан самарали фойдаланиш ва янада ривожлантириш, саноат ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва маҳсулотларни диверсификациялаш, жараёнларни рақамлаштириш, инвестицион жозибадорлигини ошириш, мавжуд омиллардан самарали фойдаланиш асосида самарадорликни ошириш ҳисобига иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини кўтариш, бандликни таъминлаш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

“Ўзбекистон – 2030” Стратегиясида [1] «Саноатнинг «драйвер» соҳаларини ривожлантириш ва ҳудудларнинг саноат салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, саноатда қўшилган қиймат ҳажмини 45 миллиард долларга етказиш ва 2,5 миллионга юқори даромадли иш ўринларини яратиш, саноатда ишлаб чиқариладиган технологик маҳсулотлар улушини 25 фоиздан 32 фоизга етказиш, қайта ишлаш саноатида меҳнат унумдорлигини 2 баробар ошириш» каби муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда мавжуд саноат салоҳиятини чуқур таҳлил қилиш, улардан самарали фойдаланиш ва янада барқарор ривожланишини таъминлаш, унга таъсир қилувчи омилларни танлаш ва ҳолатини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш ҳамда истиқболдаги прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш орқали илмий асосланган

таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. Бу эса мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигини ифодалайди.

2. Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Саноат тармоғи иқтисодий самарадорлигини баҳолашда иқтисодий кўрсаткичлар бўйича катта ахборот базаси ҳамда улардан фойдаланиш имконияти муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш лозимки, иқтисодий самарадорлик – ўзгарувчан ва ноаниқлик шароитида рақобатбардош ва барқарор ривожланишни таъминлашда ишлатиладиган ресурсларнинг мавжудлиги ва улардан самарали фойдаланиш салоҳиятидир [2].

Саноат тармоқлари иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилишда мазкур минтақа иқтисодини ўрганиш ва мавжуд корхоналарнинг локализация хусусиятларини тадқиқ қилиш ҳамда унинг ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олиш лозим [3]. Одатда, мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини баҳолаш ғояси барқарор ривожланиш концепциясига асосланади. Унга кўра, иқтисодий фаолиятнинг асосий мақсади ишлаб чиқаришни кўпайтириш эмас, балки атроф-муҳитни муҳофаза ва ҳимоя қилиш асносида аҳоли турмуш даражасини яхшилашни таъминлашдан иборат бўлиши керак.

Аммо, саноат тармоғи иқтисодий самарадорлигини баҳолашда турли воситаларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳар бирининг қўшган ҳиссасини алоҳида ҳисобга олиш лозим. Яъни, иқтисодий самарадорликка таъсир қилувчи ва товар ишлаб чиқариш ҳамда сотиш жараёнида иштирок этувчи барча омилларни таҳлил қилиш, айниқса ҳар бир омилнинг умумий харажатларни қисқартиришга қўшган ҳиссаси муҳимдир, чунки, булар ишлаб чиқариш самарадорлиги ошишини таъминлашнинг асоси ҳисобланади [4].

Бошқача қилиб айтганда, саноат ишлаб чиқариш самарадорлиги тармоқ ресурслари ва уларнинг ишлаб чиқариш жараёнида аниқ мақсадларга эришиш учун зарурий натижаларга айланиш қобилиятига боғлиқдир [5].

Э.Никольскаянинг фикрича, ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашда ҳар бир ресурс имконияти ишлаб чиқариш жараёнидаги бошқа ресурслар билан боғлиқ деб ҳисоблайди. У ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ишлаб чиқариш бирликлари учун индивидуал турдаги моддий истеъмолни камайтириб, ишлаб чиқаришни мувофиқ ташкил қилиш орқали унинг самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган ресурс ҳиссасини ошириш лозим [6].

К.Виноградов ва О.Ломовцевалар эса саноатнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда қуйидаги асосий усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди [7]:

1. Ресурсларни баҳолаш;
2. Индекслар таҳлили;
3. Оптималлаштириш моделлари;
4. Корреляция ва регрессия усуллари.

Бундан ташқари, саноат самарадорлигини ифодаловчи кўплаб иқтисодий кўрсаткичлар мавжуд бўлиб, масалан, асосий воситаларнинг мавжудлиги, ҳолати ва

улардан фойдаланиш самарадорлиги, яъни бир сўз билан айтганда моддий-техник имкониятлари ва бошқалар [8].

Фикримизча, саноат самарадорлигининг таркибий қисмини: инновацион, инфратузилма, молиявий, моддий-техник, меҳнат ресурслари ва инвестиция каби омиллар самарадорлиги ҳамда ички-ташқи бозор конъюнктураси, маркетинг фаолияти, логистик имкониятлари каби кўрсаткич ва мезонлар асосида ифодалаш ҳамда баҳолаш мумкин.

Е.Задорожня эса саноат тармоқларидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий омиллари сифатида ишлаб чиқариш кучлари, ишлаб чиқариш муносабатлари, ижтимоий эҳтиёжларнинг турлари, миқдори ва сифати жиҳатидан бўладиган ўзгаришларни ўз ичига олади, деб ҳисоблайди [9].

Демак, саноат маҳсулотлари рақобатбардошлиги, самарадорлиги, тармоқ иқтисодий салоҳиятини оширувчи инновацион ўзгаришлар ва унинг асосий афзаллиги ҳисобланган замонавий фан-техника ютуқларидан фойдаланиш, фаолият кўрсатадиган бозорлар қамровини кенгайтиришга қаратилган ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш ҳамда уни жорий этиш саноат тармоғи самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

3. Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада мавзу бўйича хорижий олимлар тадқиқотлари чуқур ўрганилган. Амалий таҳлилларда расмий статистик маълумотлар ҳамда статистик кузатиш, таққослама таҳлил, синтез, мантиқий фикрлаш статистик жадвал ва график, солиштирма таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Статистик маълумотларга кўра, 2023 йилда ЯИМ ҳажми 1066569,0 млрд. сўмни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 106 фоизга ўсган. ЯИМ шаклланишида тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати 94,5 фоиз улушга эга (1-жадвал).

Таҳлилларга кўра, жами тармоқларнинг ялпи қўшилган қийматида (100%) қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши 24,3 фоиз, саноат (қурилишни қўшган ҳолда) улуши 32,3 фоиз, шундан саноатнинг улуши 26,1 фоиз, қурилишнинг улуши 6,2 фоиз, хизматларнинг улуши 43,4 фоиз, шундан савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 7,2 фоиз, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматларининг улуши 7,7 фоиз ва бошқа хизмат тармоқларининг улуши 28,5 фоизни ташкил этади.

2023 йилда (2022 йилга нисбатан) тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати 105,9 фоизга, шу жумладан, тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати 105,9 фоизга, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 104,1 фоизга, саноат (қурилишни қўшган ҳолда) 106,1 фоизга, шундан саноат 106,0 фоизга, қурилиш 106,4 фоизга, хизматлар 106,8 фоизга, шундан савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 110,2 фоизга, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 112,3 фоизга ҳамда бошқа хизмат тармоқлари 104,5 фоизга ўсган.

1-жадвал

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМ таркиби¹, млрд. сўм

Кўрсаткичлар	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023
I. ЯИМ, жами	317 476,4	426 641,0	532 712,5	605 514,9	738 425,2	896 617,9	1 066 569,0
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	282 684,4	381 065,2	487 449,8	561 153,4	686 432,4	836 839,7	1 008 423,1
Маҳсулотларга соф солиқлар	34 792,0	45 575,8	45 262,7	44 361,5	51 992,8	59 778,2	58 145,9
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	282 684,4	381 065,2	487 449,8	561 153,4	686 432,4	836 839,7	1 008 423,1
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	90 983,9	113 327,4	129 885,0	150 493,7	181 787,7	208 809,2	245 222,5
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	74 799,0	116 225,2	164 635,7	187 610,0	232 535,7	280 057,7	325 378,4
саноат	59 570,4	94 266,7	134 185,8	150 275,1	186 978,2	225 771,2	262 824,2
қурилиш	15 228,6	21 958,5	30 449,9	37 334,8	45 557,4	54 286,4	62 554,2
Хизматлар	116 901,5	151 512,6	192 929,1	223 049,8	272 109,1	347 972,9	437 822,2
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	21 540,6	26 510,1	32 179,7	36 662,8	46 750,0	58 020,3	72 382,4
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	25 305,6	30 095,3	36 028,6	38 313,1	47 934,3	60 027,1	77 833,1
бошқа хизмат тармоқлари	70 055,4	94 907,3	124 720,8	148 073,9	177 424,8	229 925,5	287 606,7

2023 йилда саноат маҳсулоти ҳажми 655821,9 млрд. сўмни ташкил этган. Шундан, 55240,5 млрд. сўм тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноати,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари.

553333,4 млрд. сўм ишлаб чиқарадиган саноати, 44247,7 млрд. сўм электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш саноати ҳамда 3000,3 млрд. сўм сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш саноати ҳиссасига тўғри келади (2-жадвал).

2-жадвал

**Иқтисодий фаолият тури бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб
чиқариш², млрд. сўм**


Т/г	Кўрсаткичлар	2021	2022	2023
		Саноат маҳсулоти ҳажми, млрд. сўм	456 056,1	553 265,0
I	Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	43 872,2	52 093,5	55 240,5
II	Ишлаб чиқарадиган саноат	378 186,4	460 491,8	553 333,4
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	48 643,3	57 547,3	65 174,7
2	Ичимликлар ишлаб чиқариш	10 135,4	16 111,3	17 968,3
3	Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2 089,4	2 888,9	3 199,6
4	Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	52 372,3	62 850,7	71 121,1
5	Кийим ишлаб чиқариш	13 592,8	17 264,8	22 478,3
6	Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	2 083,9	2 220,6	2 794,7
7	Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	2 209,0	2 537,0	2 207,5
8	Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2 896,2	4 275,6	5 468,5
9	Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	1 683,2	2 627,5	2 146,7
10	Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	11 371,5	16 095,9	25 027,1
11	Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	28 080,7	33 639,5	34 521,6
12	Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	3 903,0	3 402,0	4 026,4
13	Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	8 463,3	9 342,7	10 895,4
14	Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	20 714,8	22 442,4	27 965,3
15	Металлургия саноати	96 785,5	107 071,9	126 302,7
16	Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	11 064,1	12 584,3	13 910,7
17	Компютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш	6 232,9	6 261,7	3 923,8

² Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари.

18	Электр ускуналар ишлаб чиқариш	11 212,0	14 388,0	18 445,0
19	Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	4 353,3	5 448,7	5 526,1
20	Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	32 167,6	51 396,2	77 050,9
21	Бошқа транспорт учкуналари ишлаб чиқариш	1 137,6	1 520,7	1 827,5
22	Мебел ишлаб чиқариш	3 059,8	3 996,7	4 057,9
23	Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	2 049,5	2 499,1	4 056,9
24	Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш	1 885,3	2 078,4	3 236,8
III	Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	30 815,5	37 653,7	44 247,7
IV	Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	3 182,0	3 026,1	3 000,3


Саноат тармоғининг энг муҳим таркибий қисми бу – ишлаб чиқарадиган саноат бўлиб, у 24 турдан кўпроқ ишлаб чиқариш фаолиятларини ўзида мужассам этган. 2023 йилда ишлаб чиқарадиган саноат фаолиятлари бўйича қуйидаги ҳажмда маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 65174,7 млрд. сўм, ичимликлар ишлаб чиқариш ҳажми 17968,3 млрд. сўм, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3199,6 млрд. сўм, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 71121,1 млрд. сўм, кийим ишлаб чиқариш ҳажми 22478,3 млрд. сўм, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 2 794,7 млрд. сўм, ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш ҳажми 2207,5 млрд. сўм, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5468,5 млрд. сўм, ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш ҳажми 2146,7 млрд. сўм, кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 25027,1 млрд. сўм, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 34521,6 млрд. сўм, асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш ҳажми 4026,4 млрд. сўм, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш ҳажми 10895,4 млрд. сўм, бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 27965,3 млрд. сўм, металлургия саноати ҳажми 126302,7 млрд. сўм, машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш ҳажми 13910,7 млрд. сўм, компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 3923,8 млрд. сўм, электр ускуналар ишлаб чиқариш ҳажми 18445,0 млрд. сўм, бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш ҳажми 5526,1 млрд. сўм, автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳажми 77050,9 млрд. сўм, бошқа транспорт учкуналари ишлаб чиқариш ҳажми 1827,5 млрд. сўм, мебел ишлаб чиқариш ҳажми 4057,9 млрд. сўм, бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш ҳажми 4 056,9 млрд. сўм ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш ҳажми 3 236,8 млрд. сўмни ташкил этган.

Республикада аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти 15520,2 минг сўми ташкил этади. Жумладан, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти Қорақалпоғистон Республикасида 8981,4 минг сўм, Андижонда 16529,9 минг сўм, Бухорода 13647,2 минг сўм, Жиззахда 7812,5 минг сўм, Қашқадарёда 6566,7 минг сўм, Навоийда 80786,1 минг сўм, Наманганда 6112,9 минг сўм, Самарқандда 7163,2 минг сўм, Сурхондарёда 2605,5 минг сўм, Сирдарёда 13532,3 минг сўм, Тошкентда 31664,5 минг сўм, Фарғонада 7698,4 минг сўм, Хоразмда 9439,5 минг сўм, Тошкент шаҳрида 37398,7 минг сўмга тўғри келади (1-расм).



1-расм. Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти³, минг сўм

Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг ўсиш суръати республика бўйича 103,2 фоизни ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида 99,1 фоиз, Андижонда 120,2 фоиз, Бухорода 104,3 фоиз, Жиззахда 105,8 фоиз, Қашқадарёда 107,8 фоиз, Навоийда 104,0 фоиз, Наманганда 106,7 фоиз, Самарқандда 106,3 фоиз, Сурхондарёда 101,9 фоиз, Сирдарёда 106,9 фоиз, Тошкентда 103,8 фоиз, Фарғонада 102,4 фоиз, Хоразмда 113,0 фоиз, Тошкент шаҳрида 103,1 фоизни ташкил этган.



³ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган.

2-расм. Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган истеъмол товарлар ҳажми⁴, минг сўм

Бундан ташқари, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган истеъмол товарлар ҳажми республика бўйича 4067,8 минг сўм, Қорақалпоғистон Республикасида 1219,6 минг сўм, Андижонда 11119,9 минг сўм, Бухорода 2458,1 минг сўм, Жиззахда 2819,7 минг сўм, Қашқадарёда 871,7 минг сўм, Навоийда 3021,5 минг сўм, Наманганда 2596,2 минг сўм, Самарқандда 2428,8 минг сўм, Сурхондарёда 624,8 минг сўм, Сирдарёда 2307,5 минг сўм, Тошкентда 6165,6 минг сўм, Фарғонада 1939,6 минг сўм, Хоразмда 5294,6 минг сўм, Тошкент шаҳрида 11446,6 минг сўмни ташкил этган.

Умуман олганда саноат тармоқлари асосий фаолиятида юқори даромадга эришиш – инвестицион жараёнлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва инвесторлар иқтисодий манфаатдорлигини ошириш имконини беради. Натижада, саноат корхонаси рақобатбардош бозорда инвестицион стратегияни амалга оширишга мувоффақ бўлиш имконияти ошади.

Зеро, ҳар қандай маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида технологиялар, энергия ва ахборот ресурслари, меҳнат ва бошқа бир қатор ресурслардан бир вақтда фойдаланилади. Улар ўзаро боғлиқ, лекин кўпинча кўп қиррали характерга эга бўлади. Яъни, бу омилларнинг ҳар бири ишлаб чиқариш салоҳиятини таҳлил қилиш учун ўзига хос аҳамиятга эга. Бунда миқдор ва сифат кўрсаткичлари билан биргаликда фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигини тўлиқ намоён этади, бу эса ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уни оптимал вариантда ташкил этиш учун қўл келади. Шу боис, фойдаланилаётган ишлаб чиқариш ресурслари самарадорлигини иқтисодий салоҳиятнинг ажралмас белгиси сифатида кўриш мумкин.

Фикримизча, саноатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнини таҳлил қилиш ва баҳолашда:

биринчидан, мамлакат ҳудудлари бўйича морфологик таҳлилни амалга ошириш, бунда ҳудудларнинг географик жойлашуви, ҳудуд харитаси, ҳудуднинг экологик ва географик имкониятлари каби мезонларни ҳисобга олиш зарур;

иккинчидан, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш, бунда молиявий, моддий-техник ресурслар, инновация ва инвестиция салоҳияти, алоқа муносабатлари, савдо ва хизмат кўрсатиш, логистик инфратузилма ҳолатини баҳолаш лозим;

учинчидан, демографик таҳлил қилиш, бунда демографик ўзгаришлар, аҳоли (истеъмолчи) даромад манбаи, илмий-техник ривожланиш ҳолати, меҳнат ресурсларининг меҳнат салоҳияти кабиларни ўрганиш керак;

тўртинчидан, мамлакат иқтисодиёти, хусусан саноати самарадорлигини оширишнинг компьютерлаштирилган моделини ишлаб чиқиш, бунда ахборотлар мониторинги, маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш тизими, ахборот ҳолати ва ахборотлаштиришда инновацияларнинг қўлланилиши кабиларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган.

Саноат маҳсулотлари ва ресурслар динамикаси ўртасидаги номутаносиблик иқтисодий ўсиш шаклининг экстенсив ёки интенсивлигини белгилайди. Бунда, саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръати ресурсларнинг ўсиш суръатидан юқорилиги интенсив ўсишни тавсифлайди. Яъни, ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқаришнинг ўсишига эришилади.

Ишлаб чиқаришнинг экстенсив ёки интенсивлигини қуйидаги кўрсаткичларни таққослаш орқали таҳлил қилиш мумкин:

- ресурслардан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичлари динамикаси аниқланади. Унда меҳнат унумдорлиги, капитал самарадорлиги ва асосий фондлар айланиш даражалари ҳамда моддий даромадлар динамикаси кўриб чиқилади;

- ишлаб чиқариш ҳажмининг 1 фоизга ўсиши учун тегишли ресурслар улушининг ўзгариши аниқланиб, ресурслар таркибини қайта тақсимлаш белгиланади;

- ресурс заҳиралари алмашинуви усули билан ишлаб чиқариш самарасини оширишнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари баҳоланади.

Худудий саноат тармоқлари юқори иқтисодий салоҳиятга эришиши айна вақтда ривожланишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

В.Н.Шуков фикрича, муҳими маҳсулот ҳажми, сифати ёки рақобатбардошлиги эмас, балки, келгусида узоқ муддат самарали фаолият юритадиган иқтисодий тизимни яратиш лозим. Шунингдек, юқори иқтисодий самарадорликка эришиш ва саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун аввало, моддий-техник базанинг аҳамияти юқори ўринда бўлиши керак [10].

Хориж тажрибаларга кўра, жаҳон бозорида рақобат устунлигига эришиш ва бошқарув самарадорлигини таъминлашга қодир бўлган саноат тармоқлари хусусан, энергетика, ёқилғи, кимё ва нефт-кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик саноати, озик-овқат, фармацевтика ва бошқа саноат тармоқларини ривожлантириш ҳамда рақобатдошлигини оширишга қаратилган комплекс чоратадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, юқори иқтисодий самарадорликка эришиш негизда мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш ётади. Жумладан, технологик ва иқтисодий омиллар таъсири даражаларини таҳлил қилиш, уларнинг таъсирини моделлаштириш ва саноат корхоналари даромадини самарали бошқариш стратегиясини амалга ошириш ҳамда харажатларни қисқартириш орқали интенсив ривожланишни таъминлаш лозим.

4. Хулоса ва таклифлар

Саноат тармоғи иқтисодий самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш жараёнларини ислоҳ қилиш, уни таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурларини амалга оширилиши, моддий-техник базасини мустаҳкамланиши ишлаб чиқаришнинг ривожланишига замин яратади. Шу боис, саноатни янада барқарор ривожланиши учун қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- илғор маҳаллий технологияларни ишлаб чиқиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига маҳсулотлар

рақобатбардошлигини ошириш;

- "... тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш" бўйича Давлат дастурини амалга оширишни самарали давом эттириш орқали импортни қисқартириш;

- кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқариш фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш ва бошқалар.

Маълумки, барча турдаги ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун умумиқтисодий жиҳатдан меҳнат ресурси, асбоб-ускуна, хомашё ва бошланғич маблағ каби омиллар керак бўлади. Бундан келиб чиқадики, саноат тармоқлари иқтисодий самарадорлигини оширишга ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг энг самарали усулини танлаш ва уни қўллаш орқали эришилади. Шунингдек, саноат маҳсулотлари ҳажми ўсиши ва таннарх пасайиши самарадорлик ошишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон – 2030" Стратегияси тўғрисида"ги ПФ-158-сонли фармони.
2. Аристархов П.В. Разработка элементов механизма управления экономическим потенциалом промышленного предприятия в условиях модернизации. – дисс. экон. наук. канд. Челябинск – 2012. – 87 с.
3. Маршалл А. Принципы экономической науки. – М.: Прогресс, 1993. – 256 с.
4. Родионовой Л.Н. Промышленный потенциал: понятие, критерии, структура / Сб. трудов УГНТУ, 2001. - с. 103-106.
5. Бартова Е.В., Аферова Т.В. Анализ влияния производственного потенциала на эффективность деятельности промышленных предприятий // Российское предпринимательство. № 13 / 2012. – 2 с.
6. Никольская Э.В. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности полиграфических предприятий. Учебник. - М.: Изд-во МГУП. 2002. – 351 с.
7. Виноградова К.О., Ломовцева О.А. Сущность и структура потенциала развития региона // Современные проблемы науки и образования. №3. - 2013. – 1-10 с.
8. Кобзев В.В., Драздова А.Ю. Подходы к оценке экономического потенциала промышленного предприятия // Отраслевая экономика. 2015. - №11(2). – 3 с.
9. Задорожня Е.К. Отечественный и зарубежный опыт по формированию механизма проведения структурных преобразований в экономике промышленного сектора // Экономика и экономические науки. - №4. 2012. – 29-35 с.
10. Шуков В.Н. Экономический потенциал регионов России и эффективность его использования. Учебное пособие. Иваново, 2002. – 217 с.
11. <https://stat.uz>

